ЛИНГВИСТИК ТАРЖИМАШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Т.Б.УМИРЗАҚОВ

В статье рассматриваются проблемы лингвистического переводоведения в свете перспектив данной науки.

The article deals with the problems of linguistic translatology as well as perspectives of this science.

Ҳар бир жабҳага янгиланиш нафаси кираётган ва миллий маънавиятимизни юксак даражага кўтаришдек долзарб масала ҳал қилинаётган ҳозирги даврда таржимонлардан жаҳон адабиёти дурдоналарини аслиймонанд таржима қилиш талаб қилинмоқда. Аслиймонанд таржимага эришиш учун аслиятнинг бадиий–эстетик қиммати, икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликлари ҳамда аслият мансуб бўлган халқнинг моддий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ омиллар таржимада тўлақонли акс эттирилиши лозим.

Бугунги кунда аслиймонанд таржима асарлари яратиш ва халқимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан мукаммал даражада таништириш учун мамлакатимизда, **биринчидан**, таржима борасида жиддий илмий тадқиқотлар олиб борадиган лингвистик таржимашунослик билан шуғулланувчи олимларни етиштириш, **иккинчидан**, фалсафа, нутқ маънавияти, тил маданияти, дин тарихи, диншунослик, маданиятшунослик, тасаввуф, умумий тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик, лингвокультурология, лингвистик таржимашунослик фанларининг замонавий назариялари билан бирга тил ва адабиёт тарихи, фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси ва стилистикасини пухта ўзлаштирган бевосита таржима билан шуғулланувчи етук мутахассис таржимонлар тайёрлаш лозим [1].

Мамлакатимизда кўп асрлик тарихий давр мобайнида жуда катта бадиий-адабий, тарихий, ахлоқий, фалсафий, илмий, диний асарлар ўзбек тилига ўгирилди. Аммо, афсус билан қайд этиш лозимки, инглиз тилидан ўзбекчага бевосита таржима қила оладиган ҳақиқий мутахассис таржимонларнинг йўқлиги сабабли инглиз тилида ижод қилган муаллифлар асарлари ўзбек тилига ҳамон рус тили орқали ўгирилмоқда. Бу эса таржима жараёнида муқаррар йўл қўйиладиган нуқсонлар миқдорининг икки баравар ошиб кетишига олиб келади. Лекин, тан олиш керакки, кейинги йилларда умид учқунлари алангаланиб, билвосита таржимадан бевосита таржимага ўтиш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Асримизнинг бошидан бошлаб инглиз ёзувчи ва шоирларининг бадиий асарлари инглиз тили мутахассислари (Жамол Камол, профессор Муҳаммадаббос Ирисқулов, Алишер Отабоев, Нурбек Абдуллаев, Шахноза Ак-

барова, Динара Султонова, Ҳулкар Аъзам, Дилбархон Муҳаммадали ва бошқалар) томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита ўгирилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Шу ўринда таржима амалиёти ижодий жараён бўлганлиги сабабли унинг учун муайян андоза жорий қилишнинг мумкин эмаслигини таъкидлаш билан бирга, аслият руҳини адекват қайта яратаётган бевосита таржималар вужудга келаётган экан, бу ютуқлар пала-партишлик оқибати эмас, балки уларга муайян умумий қоидалар асосида эришилиши лозимлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таржима амалиёти ўз қонун қоидаларига эга бўлган ижодий жараён бўлиб, унинг такомил сари узлуксиз одимлаб бориши лингвистик таржимашунослардан таржима тамойилларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бевосита таржимашуносликда аслиймонанд таржимага эришиш лингвистик таржимашунослик назарияларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган илмий-тадқиқотлар ўтказилишини тақозо этади. Лингвистик таржимашунослик соҳасида ҳанузгача бизда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам ўз ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар мавжуд. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) қиёсий стилистика энди шаклланиб келаётган янги фан соҳаси эканлиги ҳамда дунёда таржима амалиётини шу йўналишда тадқиқ қилувчилар сонининг кам даражада эканлиги;

2) бадиий асарлар таркибида моддий-мантиқий маъно ифодаси учун қўлланиладиган бирикмалар (предлоглар, артикллар, боғловчилар) таржимасининг етарли даражада ишланмаганлиги;

3) лингвокультуремалар, яъни халқлар турмуш тушунчаларини ифода этадиган лисоний воситалар таржимаси бўйича ҳанузгача бизда ҳам. хорижий мамлакатларда ҳам таржима амалиёти равнақи учун озми-кўпми хизмат қилиши мумкин бўлган жиддий илмий тадқиқотлар яратилмаганлиги;

4) персонажлар хусусиятини ўзида мужассамлаштирган “гапирувчи номлар” ва варваризмларни таржимада талқин этиш масаласи ҳанузгача назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинмаганлиги;

5) миллий-тарихий хусусиятга эга фразеологик бирликлар таржимаси масаласини озми-кўпми ёритиб берадиган махсус тадқиқотларнинг йўқлиги;

6) таржимада шакл ва мазмун бирлигининг тикланишига бағишланган бирорта махсус ишнинг ҳалигача мавжуд эмаслиги [2].

АДАБИЁТЛАР:

1. Умирзаков Т.Б. “Аслиймонанд таржима муаммолари”// Жаҳон адабиёти. -2010. - № 3. - Б. 191-195
2. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 295 б.

Андижон давлат тиллар педагогика институти
2010 йил 26 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Ж.Ёқубов